

## 2 – масала

**“Соғлом бола йили” Давлат дастури бўйича институтда амалга оширилган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 25 декабр 5/1 сонли қарори**

Илмий кенгаш **“Соғлом бола йили” Давлат дастури бўйича институтда амалга оширилган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Ғ.Х.Яхшибоевнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди.**

Вазирликнинг 2014 йил 5 мартдаги “Соғлом бола йили” давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида”ги №81- сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг **07.03.2014 йил 75-у-сонли буйруғи эълон қилинди.**

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг буйруғига асосан институтда 1-босқичда таҳсил олаётган **962 нафар** талаба чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Институт талаба-ёшлари ўртасида ота-оналик масъулияти, болани соғлом қилиб улғайтириш, тўйдан олдинги ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари, ёшларнинг ФХДЁ бўлимларида никоҳларини расмийлаштириши, қизларни ўз вақтида (эрта эмас) турмушга бериш, йигит-қизнинг оила олдидаги бурчи, ҳуқуқий билимларга эга бўлишларига бағишланган суҳбатлар ўтказилди.

Хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга фаол жалб қилишни, шунингдек, оилавий спортни ривожлантириш мақсадида институт миқёсида **“Гимнастика барча учун”** спорт мусобақаси ўтказилди.

I-II-босқич талабаларидан “Алпомиш ва Барчиной” тест синов меъёрлари қабул қилинди. Тест синовларида жами 1565 нафар талаба-ёшлар қатнашишди. Натижага кўра “Алпомиш”га 287 нафар, “Барчиной”га 85 нафар йигит-қизлар тест синов меъёрларини топширишди.

**“Биз буюк юрт фарзандларимиз-II”** деб номланган ижодий ишлар кўриқ-танловига нафақат институтдан, балки туманлардан келган 200 зиёд иқтидорли талаба-ёшлар ўз ишлари билан қатнашди.

Талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида “Ораста қизлар даврасида” мавзусида беллашувлар ўтказилди.

“Соғлом бола йили” муносабати билан институтда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчи, ходимлар ва талабаларнинг 45 нафарини Бухоро шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Ушбу саёҳатга **2 млн 500 минг сўм** маблағ ажратилди.

“Соғлом бола йили” давлат дастурини мен қандай тушундим” мавзусида иншолар танловини ўтказилди ва 1-ўринни эгаллаган 101-КТ(БвайИҚ) гуруҳи талабаси Тўхтамишева Диёранинг иши танловнинг Республика босқичига қатнашиш учун тавсия этилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда

### **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. **“Соғлом бола йили” Давлат дастури бўйича институтда амалга оширилган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Ғ.Х.Яхшибоевнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**
2. Институт талаба-ёшлари ўртасида ота-оналик масъулияти, болани соғлом қилиб улғайтириш, тўйдан олдинги ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари, қизларни ўз вақтида (эрта эмас) турмушга бериш масалаларга бағишланган тадбирларнинг ўтказилиши давом эттирилсин. **Масъуллар:** Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи **Т.Эгамов** ва Хотин-қизлар қўмитаси раиси **М.Ибрагимова**. **Муддати:** ўқув йили давомида.
3. Талабаларнинг мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида “Эртамиз эгалари, ёт таъсирларга алданиб қолманг”, “Диний ақидапарастликка йўл йўқ”, “Гиёҳвандликдан ҳазар қиламиз” мавзуларида давра суҳбатлар факультетларда ва талабалар турар жойларида ўтказиб борилсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи **Т.Эгамов** ва ижтимоий–гуманитар кафедра мудирилари. **Муддати:** ўқув йили давомида.



### 3 – масала

#### **“Институтда 2014 йил давомида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг яқунлари ва 2015 йилдаги вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 25 декабр 5/2-сонли қарори**

**“Институтда 2014 йил давомида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг яқунлари ва 2015 йилдаги вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий ишлар проректори Э.Х.Исаковнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.**

Жорий йилда жами **131,6 млн** сўмлик ва **49238 \$** миқдориди илмий тадқиқот ишлари бажарилиб, 800 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган. **18 нафар** талаба Республика ва халқаро миқёсидаги танлов ғолиблари бўлишди, илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил этиш мақсадида халқаро ва республика миқёсидаги **3 та** илмий анжуман ўтказилди. Талабалар олимпиадасида **3 та** совринли ўрин қўлга киритилди.

Ушбу илмий-тадқиқот ишлари институтдаги мавжуд **5 та** илмий лабораториялар ва бир марказда олиб борилмоқда. Шу билан бирга институтда бино ва иншоотларнинг ҳолатини синаш минтақавий маркази, илмий-муҳандислик комплекси ташкил этилган. Илмий тадқиқот ишларини бажаришга институтнинг деярли барча профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари жалб этилган. ДИТДларидаги амалий ва фундаментал мавзулар бўйича жорий йилда режалаштирилган барча кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.

Институтдаги **8 та** йўналиш бўйича катта илмий ходим-изланувчилар фаолият кўрсатмоқда. Лекин, мавжуд ютуқлар қаторида катта илмий ходим-изланувчилар институтини 2014 йилда тамомлаган катта илмий ходим-изланувчилардан муддатида илмий ишини ҳимоя қилмаганлиги, бу борада ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Институтда илмий тадқиқот ишларида эришган ютуқлар билан бирга қуйидаги камчиликлар мавжудлиги такидланди ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф берилди:

Институтда маблағ билан таъминланган илмий-тадқиқот ҳажми юқори бўлишига қарамаздан, профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг катта қисми бу ишга жалб этилмаган;

Илмий ва ўқув лабораторияларидаги ускуналар, ўлчов воситаларини янгилаш, замонавийлари билан алмаштириш долзарб масалалардан биридир;

Инновацион ғоялар ва ишланмалар борасида бажарилаётган ишлар ва патент-лицензия ишларини янада ривожлантириш тавсия этилади;

Давлат томонидан ёки халқаро ташкилотлар томонидан маблағ(сармоя) билан таъминланадиган илмий ишлар дастурини ишлаб чиқиш ва шуғулланиш, инситут фондига маблағ тушириш.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### **Илмий кенгаш қарор қилади**

- 1. Институтда 2014 йил давомида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг яқунлари ва 2015 йилдаги вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий ишлар проректори Э.Х.Исаковнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**
- 2. “Институтда илмий-тадқиқот фаолиятини ташкиллаштириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талаба ёшлар билан ишлаш, илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш” юзасидан 2014 йилда олиб борилган ишлар бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.**
- 3. Институтда хўжалик шартномалари ва давлат илмий–техник дастурлари лойиҳалар танловларига катта илмий ходим-изланувчилар ва талабалар кенгроқ жалб этилсин. Масъуллар:** ИваИПКТБ бошлиғи **У.А.Хушвақтов** ва факультет деканлари. **Муддати:** Доимий.
- 4. Институтда хорижий таълим муассаслари билан жумладан Хитой Халқ Республикаси ва Жанубий Корея давлатлари билан ўқув-услугий, илмий, педагогик алоқаларни ўрнатиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва илмий ишланмалар учун грант олиш ишлари жадаллаштирилсин. Масъуллар:** Кафедра мударлари ва халқаро

алоқалар бўлими бошлиғи ва ИваИПКТБ бошлиғи. **Муддати:** 2015 йилнинг 1 майгача.

5. Илмий ва ўқув лабораторияларидаги ускуналар, ўлчов воситаларини янгилаш, замонавийлари билан алмаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин. **Масъуллар:** Илмий ишлар бўйича проректор. **Муддати:** 2015 йилнинг 1 апрелигача.
6. Фан олимпиадаларининг 1-босқичини ҳаққоний ва соғлом рақобат руҳида ўтказиш таъминлансин. **Масъуллар:** Кафедра мудирлари ва Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича масъуллар.
7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

#### 4 – масала

**“Институт ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида таълим узлуксизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари ва уларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 25 декабр 4/1-сонли қарори**

**“Институт ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида таълим узлуксизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари ва уларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги масала юзасидан АЛВаКХК билан ишлаш бўйича проректор А.Н.Гадаевнинг маълумотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.**

Вилоятни иқтисодий ривожлантириш Дастуридан келиб чиқиб, истиқболда корхоналар учун зарур бўлган кичик мутахассисликларни тайёрлов йўналишларини бириктирилган касб-хунар коллежларида очиш учун ҳамкорликда таклифлар тайёрланди. Шу нуқтаи назардан Вазирлар Маҳкамаси ва “Давархитектқурилиш” кўмитасининг **2014 йил 27 ноябрдаги 01-05/23-5** рақмли Ҳайъат йиғилиши баёни ижросини таъминлаш бўйича вилоятдаги Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик, Булунғур қурилиш ва миллий хунармандчилик, Самарқанд қурилиш ва миллий хунармандчилик КХК ва СамДАҚИ қошидаги 1-сон ва 2-сон академик лицейлар архитектура, хунармандчилик ва дизайн каби ижодий йўналишларда кадрлар тайёрлашга ихтисослаштириш имконияти борлиги аниқланиб тегишли таклифлар берилди. Шунга кўра уларда 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб 25та ўқувчидан иборат махсус гуруҳларни ўқитиш ва йўналиши бўйича бўлажак архитекторлар тайёрлаш имкониятлари мавжуд эканлиги аниқланиб, уларда СамДАҚИнинг архитектура бўйича мутахассисликка эга бўлган профессор-ўқитувчилари КХКда ҳамкорлик асосида дарс беришга жалб қилинди.

Бириктирилган лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларига услубий ёрдам сифатида “Инновацион ва педагогик технологияларни қўллаш”, “Амалий инглиз тили” ва “Интернет саводхонлиги” дан **12 та** семинар-тренинг, жами **16 та** “очиқ дарс” ва **8 та** “маҳорат дарслари” ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда ўрта махсус, касб-хунар коллежлари билан ўзаро ҳамкорлик ишларини ташкил этишда “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш”, “Геотехника ва автомобил йўллари”, “Қишлоқ архитектураси” кафедраларида ижобий силжиш кузатилмади.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### **Илмий кенгаш қарор қилади**

1. **“Институт ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида таълим узлуксизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари ва уларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги масала юзасидан АЛВаКХК билан ишлаш бўйича проректор А.Н.Гадаевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.**
2. Институтга бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан таълим узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ҳамкорликда хорижий грант танловларида қатнашиш ва инвестицияларни жалб қилиш чоралари кўрилсин. **Масъул:** АЛВаКХКлар билан ишлаш бўлими, кафедра мудирлари ва халқаро алоқалар бўлими бошлиғи **Д.М.Мамараимов. Муддати:** Доимий.
3. Вазирлар Маҳкамаси ва “Давархитектқурилиш” кўмитасининг 2014 йил 27 ноябрдаги 01-05/23-5 сонли Ҳайъат йиғилиши баёни ижроси таъминлансин ва йўналиши бўйича бўлажак архитекторлар тайёрлашга ихтисослаштириладиган АЛВа КХК амалий ёрдам кўрсатилсин. **Масъул:** АЛ ва КХКлар билан ишлаш бўлими, “Архитектура” факультети декани ва кафедра мудирлари. **Муддати:** Доимий.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш АЛВаКХК билан ишлаш бўйича проректор **А.Н.Гадаев** зиммасига юклатилсин.

**Илмий кенгаш котиби**



**Кўчирма ҳақиқий**

**Р.Т.Эшмаатов**

## 5 – масала

**“Институтда ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки муурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш ҳақида” ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2014 йил 25 декабр 4/2 сонли ахбороти**

**“Институтда ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки муурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш ҳақида”ги масала юзасидан** ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Қ.Ю.Абдуллаев**нинг ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Институтда 2014 йил 12 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари, ҳайъат қарорлари, йўриқ хатларини ўз вақтида қабул қилиниши ва ижросини таъминланиши, ижро интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўриш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, бўлим томонидан назорат ва мониторинг ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 1 декабр санасидан бошлаб “Хужжатлар назорати” электрон дастуридан ([nazorat.samgasi.uz](http://nazorat.samgasi.uz)) фойдаланиш йўлга қўйилди. Ушбу дастур хужжатларни тизимли равишда назорат қилиш ҳамда ҳар бир хужжатнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқлари, ҳайъат қарорлари, йўриқ хатлари жорий йилнинг 12 ойи давомида **1137 та** хужжат қабул қилинган бўлса, шулардан **244 таси** Вазирлик буйруқлари ва **893 та** модемномалардан иборат.

Ушбу буйруқларнинг мониторинги олиб борилганда, **61 таси** ўқув ишлари проректори А.Т.Қулдашевга, **54 таси** маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор Ғ.Х.Яхшибоевга, **15 таси** илмий ишлар бўйича проректор Э.Х.Исаковга, **47 таси** молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор Б.Қ.Абдусаматовга ва қолган буйруқлар маркетинг бўлими, кадрлар бўлими бошлиқларига ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида йўлланган. Мазкур буйруқларнинг аксарият қисмининг ижроси таъминланган. Ижро муддати келмаган буйруқлар назоратга олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарори талабларининг бажарилиши мунтазам равишда институт илмий кенгаши, ректорат йиғилишларида муҳокама қилиб борилмоқда.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

## Ҳар хил масалалар.

Кун тартибидаги ҳар хил масалалар бўйича сўз илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаковга** берилди.

### I. Катта илмий ходим-изланувчиликка ўтказилган қабул натижалари ва докторлик диссертация мавзуларини тасдиқлаш тўғрисида.

#### Эшитилди :

Мазкур масала юзасидан илмий ишлар проректори **Э.Х.Исаковнинг** маълумоти тингланди ва катта илмий ходим-изланувчиликка ўтказилган қабул натижалари бўйича 2014-2015 ўқув йилида куйидаги олтита номзод катта илмий ходим-изланувчиликка қабул қилинганлиги ҳақидаги қабул комиссияси мажлиси баённомаси ўқиб эшиттирилди:

#### 18.00.01. – “Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш” йўналиши бўйича:

1. **ЛУКМОНОВ ДИЛШОД КИЛИЧЕВИЧ** – 276 балл.  
Диссертация мавзуси: *“Ўзбекистон анъанавий маҳаллий масжидлари композицион тараққиёти, уларни сақлаш муаммолари”*
2. **МУСТАЕВ БАҲРОМ БАҲОДИРОВИЧ** – 387 балл.  
Диссертация мавзуси: *“Ўзбекистон боғ-парк санъати (генезиси, шаклланиши, архитектуравий-ландшафт хусусиятлари ва ривожланиш анъаналари)”*

#### 18.00.03. – “Шаҳарсозлик, районлаштириш. Ландшафт архитектураси ва қишлоқ турар жойларини режалаштириш” йўналиши бўйича:

3. **ҲАМИДОВА ДИЛДОРА АБДУХАКИМОВНА** – 289 балл.  
Диссертация мавзуси: *“Темурийлар меъморчилигини хронологик ва ҳудудий тадқиқ этишининг янги аспектлари”*

#### 05.24.01. – “Геодезия. Картография” йўналиши бўйича:

4. **ГУЛМУРОДОВ ФАРРУХ ЭШМУРАДОВИЧ** – 287 балл.  
Диссертация мавзуси: *“Ўзбекистон вилоятларини туризм мақсадлари учун тизимли картага олишни илмий асослари (Самарқанд вилояти мисолида)”*

#### 05.23.04. – “Сув таъминоти, канализация, сув ҳавзаларини муҳофазалаш учун қурилиш тизимлари” йўналиши бўйича:

5. **СУЮНОВ ЖАВЛОНБЕК ШИРАЛИЕВИЧ** – 293 балл.  
Диссертация мавзуси: *“Оқова сувларни тозалашда ҳосил бўладиган чўкмаларга ишлов бериш технологияси”.*

#### 01.02.04. – “Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси” йўналиши бўйича

6. **АБСАМАТОВ БАҲОДИР ҲИКМАТОВИЧ** - 302 балл.  
Диссертация мавзуси: *“Иншоот пойдеворларининг чизиқлимас муҳит билан ўзаро динамик таъсири”*

#### Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Катта илмий ходим-изланувчиликка ўтказилган қабул натижалари бўйича қабул комиссиясининг мажлиси баённомаси тасдиқлансин.



2. Қуйидаги олтита номзод 2014-2015 ўқув йилидан катта илмий ходим-изланувчиликка қабул қилинсин ва уларнинг докторлик диссертация мавзулари қуйидагича тасдиқлансин:

**ЛУКМОНОВ ДИЛШОД КИЛИЧЕВИЧ**

Диссертация мавзуси: “Ўзбекистон анъанавий маҳаллий масжидлари композицион тараққиёти, уларни сақлаш муаммолари”

**МУСТАЕВ БАҲРОМ БАҲОДИРОВИЧ**

Диссертация мавзуси: “Ўзбекистон боғ-парк санъати (генезиси, шаклланиши, архитектуравий-ландшафт хусусиятлари ва ривожланиш анъаналари)”

**ҲАМИДОВА ДИЛДОРА АБДУХАКИМОВНА**

Диссертация мавзуси: “Темурийлар меъморчилигини хронологик ва ҳудудий тадқиқ этишнинг янги аспекти”

**ГУЛМУРОДОВ ФАРРУХ ЭШМУРАДОВИЧ**

Диссертация мавзуси: “Ўзбекистон вилоятларини туризм мақсадлари учун тизимли картага олишни илмий асослари (Самарқанд вилояти мисолида)”

**СУЮНОВ ЖАВЛОНБЕК ШИРАЛИЕВИЧ**

Диссертация мавзуси: “Оқова сувларни тозалашда ҳосил бўладиган чўкмаларга ишлов бериш технологияси”.

**АБСАМАТОВ БАҲОДИР ҲИКМАТОВИЧ**

Диссертация мавзуси: “Иншоот пойдеворларининг чизиқлимас муҳит билан ўзаро динамик таъсири”

**II. Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги лойиҳалар ижрочиларини рағбатлантириш тўғрисида.**

**Эшитилди:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2009 йил 2 ноябрда 2029-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори асосида ушбу Низомнинг 11- ва 12-бандларига келтирилган мезонлар кўрсаткичларига эришган қуйидаги ИТД-14-18 “Ўзбекистон шароитида қишлоқ ландшафтлари архитектураси ва дизайнини яратишнинг самарали йўналишларини шакллантириш” мавзуси бош илмий ходими:

| №           | Ф.И.Ш.                  | Лавозими        | Илмий даражаси ва унвони | Базавий ойлик маоши миқдори сўм | Рағбатлан-тириш миқдори нисбатда | Рағбатлан-тириш миқдори сўм |
|-------------|-------------------------|-----------------|--------------------------|---------------------------------|----------------------------------|-----------------------------|
| 1           | Уралов Ахтам Синдарович | бош илмий ходим | арх.ф.д., проф.          | 1354768                         | 1 базавий ойлик                  | 1354768                     |
| <b>Жами</b> |                         |                 |                          |                                 |                                  | <b>1354768</b>              |

моддий рағбатлантириш тўғрисидаги масала юзасидан Илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**нинг ахбороти тингланди. Масала юзасидан Илмий кенгаш аъзоларининг фикрлари эшитилди.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 11- ва 12-бандларига келтирилган мезонлар кўрсаткичларига эришган қуйидаги ИТД-14-18 “Ўзбекистон

шароитида қишлоқ ландшафтлари архитектураси ва дизайнни яратишнинг самарали йўналишларини шакллантириш” мавзуси бош илмий ходими:

| №           | Ф.И.Ш.                  | Лавозими        | Илмий даражаси ва унвони | Базавий ойлик маоши миқдори сўм | Рағбатлан-тириш миқдори нисбатда | Рағбатлан-тириш миқдори сўм |
|-------------|-------------------------|-----------------|--------------------------|---------------------------------|----------------------------------|-----------------------------|
| 1           | Уралов Ахтам Синдарович | бош илмий ходим | арх.ф.д., проф.          | 1354768                         | 1 базавий ойлик                  | 1354768                     |
| <b>Жами</b> |                         |                 |                          |                                 |                                  | <b>1354768</b>              |

юқорида кўрсатилган миқдорда моддий рағбатлантирилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов